# Ш А Р Т Н О М А № 7

**"21" Август 2022 йил** **Самарқанд шаҳри**

**TECH-MED-CAPITAL МЧЖ** (кейинги уринларда «Таъминотчи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбар У.М. Мукарамов номидан бир томондан ва Шароф Рашидов номидаги Самарканд давлат университети (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан низом асосида иш олиб борувчи ректор Р.И.Халмурадов иккинчи томондан Ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Таъминотчи Ушбу шартномада келишилган махсулотларини келишилган муддатларда Буюртмачигага етказиб бериш, Ташкилот эса махсулотларни кабул килиб олишни ва пулини тулаш мажбуриятини олади.

1.2 Махсулот нархи, микдори, сифати ва бахоси, ушбу шартноманинг ажралмас кисми хисобланган, 1-иловага асосан аникланади.

| № | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Газовый хроматомасспектрометр YL6500GC | комп | 1 | 1 590 000 000 | 1 590 000 000 |
| | **ЖАМИ:** | | | | **1 590 000 000** |

**Сумма сўз билан: 1 590 000 000 (Бир миллиард беш юз тўқсон миллион) сўм**

## 2. ТАЪМИНОТ ШАРТЛАРИ

2.1. Сотувчи буюртмани факатгина Буюртмачи буюртмасини олгандан сунг амалга оширади. Сотувчи махсулотни Буюртмачи буюртмасини олганидан сунг 120 банк иш куни муддат ичида, буюртмада белгиланган хажмда амалга оширади.

2.2. Махсулотлар эркин танлов савдоси баенномаси буйича Буюртмачига Сотувчи хисобидан етказиб берилади.

2.3. Буюртмачининг омборига махсулотларнинг етказиб берилган вакти махсулот етказиб берилган вакти булиб хисобланади.

2.4. Махсулот Буюртмачининг омборига етказиб берилгандан ва белгиланган тартибда кабул килиб олингандан сунг, махсулотга эгалик хукуки Буюртмачига утади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Буюртмачи махсулот етказиб берилиши белгиланган вактга кадар 10 кун муддат ичида Сотувчига махсулот учун буюртмани куйидагиларни курсатган холда такдим этади:

етказиб берилиши керак булган махсулот микдори;

махсулот сифати;

махсулот ассортименти.

3.3. Сотувчи томонидан махсулотлар етказиб берилмай колганда, етказиб берилмаган микдордаги махсулотни, 3 кун муддат ичида еки Буюртмачи билан келишилган холда, шартнома амал килиш муддатида, кейинги етказиб берилиши кузда тутилган махсулотларга кушиб етказиб бериш мажбуриятини олади.

3.4. Сотувчи томонидан етказиб бериш муддатлари утказиб юборилган махсулотларни Буюртмачи уни огохлантирган холда кабул килмаслик хукукига эга.

3.5. Сотувчи томонидан етказиб берилган махсулотлар сифати талабга жавоб бермаслик холатларида Буюртмачи куйидаги талабларни куйиш хукукига эга:

харид нархларни (етказиб берилган сифатсиз махсулотлар киймати билан сифатли махсулотлар киймати уртасидаги фаркига) камайтириш;

сифатсиз махсулотларни Сотувчи хисобидан сифатли махсулотларга 3 кун муддатда алмаштириб бериш;

сифатсиз махсулотларни, Буюртмачи томонидан уз маблаглари эвазига, яроклисини ажратишга, уни тозалашга ва махсулотни ярокли холга келтириш учун бошка харажатларни тулаш.

3.6. Агар Сотувчи Ушбу шартномада белгиланган микдордаги махсулотни етказиб бермаса еки Буюртмачининг сифатсиз махсулотларни алмаштириб бериш хакидаги талабларини белгиланган муддатларда бажармаса, Буюртмачи шартномани бекор килиш хукукига эга.

## 4. МАХСУЛОТЛАР БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Нархлардаги хар кандай узгаришлар, шу жумладан бозор нархларининг узгариши, хом-аше ва материаллар нархларидаги узгаришлар, конун хужжатларида белгиланган энг кам иш хаки микдорининг узгариши еки бошкалар сабабли махсулот бахосининг узгариши, тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилади ва ушбу тугрисида шартномага кушимча келишув тузилади.

4.2. Буюртмачи олинадиган махсулотлар учун шартнома Газначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг, ойлик ажратилган маблаглар доирасида шартноманинг ойлик тўлов жадвали асосида 15 фоизи микдорида олдиндан (аванс) тарикасида Таминотчининг хисоб ракамига утказиб беради. Колган охирги 85 фоиз маблагни Таъминотчи томонидан етказиб берилган хисоб варак фактуралари асосида 30 банк иш кунида утказиб беради.

4.3. Олинган махсулотлар учун туловлар Буюртмачи томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

4.4. Шартнома умумий киймати (Бир миллиард беш юз тўқсон миллион) сўмни ташкил килади.

## 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Таьминотчи етказиб бериладиган махсулотнинг талаб ва стандартларга мос келишини кафолатлайди.

5.2. Буюртмачи сифат ва яроклилик сертификатлари булмаган махсулотларни кабул килмайди.

## 6. МАХСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА КАБУЛ КИЛИШ

6.1. Махсулотни кабул килишда Буюртмачи уни микдори, сифати, ассортименти ва руйхатини Таъминотчи томонидан берилган махсулот етказилганлигини тасдикловчи хужжат (хисоб-фактура), ушбу шартнома хамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

6.2. Махсулотни кабул килиш якуни буйича Буюртмачи кабул килиш килиш далолатномаси тузади. Буюртмачи томонидан Далолатноманинг имзоланиши кабул килинаетган махсулотнинг текширилганлигини билдиради.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Тарафларнинг бирортаси хам бошка тарафларнинг олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиши ёки бартараф этиши мумкин булмаган холатлар (бунга ер кимирлаши, сув тошкинлари, ёнгин ва табиий офатлар ва бошка кузда тутилмаган холатлар) окибатида бажармаганликлари учун жавобгар булмайди.

7.2 Шарнома бузилиб узаро келтшилмаган такдирда Узбекистон Республикаси конунлари асосида туманлар аро иктисодий суди оркали хал килинади.

## 8. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Таьминотчи махсулот етказиб беришда шартноманинг 2.1- булимида белгиланган шартларни бузганда, яъни махсулот етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборса, тулик етказиб бермаса, кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди. Лекин, туланадиган пеня

умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар умумий суммасининг 50 фоизидан ортмаслиги керак.

8.2. Таьминотчи томонидан жунатилган махсулотларга оид тулов ва махсулот етказиб берилганлиги тугрисидаги бошка хужжатлар уз вактида, яъни махсулот билан бирга Буюртмачига такдим этилмаса, хар бир холат учун етказиб берилаетган махсулот кийматининг 1 фоизи микдорида жарима тулайди.

8.3. Таъминотчи томонидан махсулотлар уз вактида ва белгиланган талаблар асосида етказиб берилганда Буюртмачи уларни асоссиз равишда кабул килмаса, кабул килинмаган махсулотнинг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган махсулотлар буйича эса 10 фоиз микдорида жарима тулайди.

8.4. Етказиб берилган махсулотлар учун Буюртмачи томонидан уз вактида туловлар амалга оширилмаса, яъни ушбу шартноманинг 4.4-булими бузилганда, тулов кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди. Лекин туланадиган пенялар умумий суммаси кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизи микдоридан ошиб кетмаслиги керак.

## 9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, узгартириш ва бекор килиш вактида келиб чикадиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда куриб чикилади.

## 10. БОШКА ШАРТЛАР

10.1. Ушбу шартнома Газначилик руйхатидан утгандан сунг куяга кирали ва «31» Декабр 2022 йилгача амал килади.

10.2. Шартномага узгартиришлар ва кушимчалар тарафларнинг келишувига асосан езма равишда амалга оширилади ва имзоланади.

| ТАЪМИНОТЧИ | ТАШКИЛОТ |
|---|---|
| TECH-MED-CAPITAL МЧЖ | Шароф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат университети |
| Наманган вилояти, Чуст тумани, Садача МФЙ, Сабзазор массиви р/з уй. | Самарканд ш. университет хиёбони № 15 |
| Х/р 20208000800953853001 | ШХР:**400910860184017094100079004** |
| ЧЭКИ "Hamkorbank" АТБ Юнусобод ф-л | Тулов-контракт маблаглари хисоб раками |
| МФО: 01163 ИНН: 305925846 | Молия Вазирлиги Газначилиги |
| ҚҚС: 326020087586 ОКЭД: 46690 | х/р: 23402000300100001010 МФО 00014 |
| | Марказий банк ХККМ Тошкент шахри |
| | ИНН: 201213338, 201122919 |
| **Рахбар: ____________ У.М.Мукарамов** | **Ректор: ____________ Р.И.Халмурадов** |

Қаята юрисконсульт! И.Бўриев

2022 йил 21  августдаги 7 сонли шартнома 1-илова

| № | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Газовый хроматомасспектрометр YL6500GC | комп | 1 | 1 590 000 000 | 1 590 000 000 |
| | **ЖАМИ:** | | | | **1 590 000 000** |

**Рахбар** **Ў.М. Мукарамов** **Ректор** **Р.И.Халмурадов**

Каряга юритилдин! И.Бўриев

"Т А С Д И Қ Л А Й М А Н"
Проректор Х.Хушвақтов

2022 йил ________________

М У Ҳ Р

Самарқанд давлат университетининг давлат харидларини амалга ошириш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши

**МУҲОКАМА Б А Ё Н И №4**

**2022 йил «21» август** **Самарқанд шаҳри**

Раислик қилувчи **Х.Хушвақтов**

Иштирок этдилар

**С.Абдужабборов – комиссия аъзоси**
**А.Бадалбаева - комиссия аъзоси**
**Х.Хайдаров - комиссия аъзоси**
**Р.Ражабов - комиссия аъзоси**
**Ж.Рузимуродов - комиссия аъзоси**
**Н.Равшанов - комиссия аъзоси**
**О.Тиркашов - комиссия котиби**

**К У Н Т А Р Т И Б И :**

**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Газовый хроматомасспектрометр сотиб олиш бўйича 2022 йил 17 августдаги №131615 сонли баёни натижаларига кўра танлов натижалари бўйича маълумотларни муҳокама қилиш.**

Сўзга чиқди: **комиссия раиси С.Абдужабборов**

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Газовый хроматомасспектрометр сотиб олиш бўйича 2022 йил 17 августдаги №131615 сонли баёни натижалари бўйича маълумотлар 2022 йил 17 августдан 2022 йил 19 август кунига қадар иштирокчилар томонидан муҳокама қилиш учун порталда турганлиги, шу муддат давомида танловда иштирок этган бошқа иштирокчилардан эътирозлар келиб тушмаганлигини комиссия раиси ўз сўзида баён этди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб комиссия

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1. Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Газовый хроматомасспектрометр сотиб олиш бўйича 2022 йил 17 августдаги №131615 сонли баёни натижалари натижалари ўзгаришсиз қолдирилсин.

2. **«TECH-MED-CAPITAL» МЧЖ** билан Шароф Рашидов номидаги **Самарқанд давлат университети** ўртасида шартномалари лойиҳалари икки нусхада Ўзбекистон Республикасининг

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тузиш белгилансин.

3. Мазкур баённома ижроси назорати комиссия раисида қолдирилсин.

| | |
|---|---|
| **Х.Хушвақтов** | **Комиссия раиси, проректор** |
| **С.Абдужабборов** | **Комиссия аъзоси, проректор** |
| **А.Бадалбаева** | **Комиссия аъзоси, бош ҳисобчи** |
| **Х.Хайдаров** | **Комиссия аъзоси, илмий бўлим бошлиғи** |
| **Р.Ражабов** | **Комиссия аъзоси, физика факультети декани** |
| **Ж.Рўзимуродов** | **Комиссия аъзоси, физика факультети доценти** |
| **Н.Равшанов** | **Комиссия аъзоси, бош ҳисобчи ўринбосари** |
| **Тиркашов О.** | **Комиссия котиби, 1-тоифали ҳисобчи** |